


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5231200 – Суғурта иши
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
Тошкент молия институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил « 6 » апрел даги 137 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

т/р		бет
1.	5231200 – Сузурта иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.2.	5231200 – Сузурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
2.	5231200 – Сузурта иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2.	5231200–Сузурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	7
3.	5231200–Сузурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2	5231200–Сузурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	10

1. 5231200 – Суғурта иши бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5231200 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5231200 - Суғурта иши таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув - услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5231200 - Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5231200 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5231200 - Суғурта иши бакалаврият таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, суғурта компанияларида суғурта ишини ташкил этиш, кўрсатиладиган суғурта хизматлар сифатини яхшилаш, кадрлар суғурта маркетинги тадқиқотларини ўтказиш, суғурта муносабатларини тартибга солиш, меҳнат

ресурслари балансини тузиш, аҳолини ҳар хил бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5231200 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– суғурта ташкилотлари фаолиятида суғурталаш ва қайта суғурталаш ҳамда фуқороларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, чет элга чиқувчи фуқороларни суғурталаш, ижтимоий суғурта, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ва гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш, қурилиш монтаж рискларини суғурталаш, кредит рискларини суғурталаш, мажбурий ва давлат мажбурий суғуртасини амалга ошириш, шунингдек суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини бошқаришга доир муносабатларни тартибга солиш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жараёнлари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5231200 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- суғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш;

- суғурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, суғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш;

- суғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш;

- суғурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисоботлар тузиш;

- суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш;

- суғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш;

- суғурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

- суғурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш;

- суғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, суғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

- суғурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, суғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш.

1.2.3. 5231200 - Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

• молиявий-иқтисодий;

• ҳисоб, таҳлил ва назорат;

• ташкилий-бошқарув;

• ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;

• илмий-тадқиқот;

• педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5231200 - Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- **5A231201 – Суғурта иши** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5231200 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиш;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- Ватан тарихини билиш, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиш ва илмий асослай билиш, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиш;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаш ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиш, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими учун тайёрланади.

2.2. 5231200 – Суғурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

–суғурта ташкилотлари молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

–бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

–суғурта бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

–суғурта ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;

–суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

– суғурта соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

–иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

–суғурта ташкилотлари фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

–суғурта бозори кўрсаткичлари динамикаси ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

–суғурта ташкилотларининг молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда таҳлил қилиш;

–суғурта хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

–ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

–суғурта хизматини кўрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

–суғурта иши ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

–суғурта хизматини кўрсатиш жараёнида маркетинг фаолиятини бошқариш;

–бошқарув қарорини қабул қилиш;

–ишнинг ташкил қилиш ва уни бошқариш;

–суғурта фаолиятини амалга ошириш бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш;

–суғурта хизматини кўрсатиш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторингини юритиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

–суғурта ташкилотларида ишчи кучига сарфланадиган харажатларни ишлаб чиқиш;

–меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва уни ошириш имкониятларини аниқлаш;

–ходимларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;

–иш ўринларини ташкил этиш ва таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

–суғурта бозорини конъюнктуравий ҳолатининг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

–илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- суғурта фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- суғурта соҳасига тегишли ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;
- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;
- интернет тармоғидан янги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жалб этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

–умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий-амалий машғулотларни ўтказиш;

–ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек ўқув фани бўйича тадқиқотларда маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

–фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган модулли тизимга асосланган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

–мустақил таълим ва ижодий ёндашув орқали педагогик фаолият соҳасида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

3. 5231200 – Суғурта иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5231200-Суғурта иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
- математик ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

- табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

- таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

- коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

- математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

- статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;

- суғурта фаолиятини ташкил этиши, суғурта бозорини ривожлантириши ва тартибга солиш ҳамда аҳолига сифатли суғурта хизматларини кўрсатилишини таъминлаши;

- жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, суғурта бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

- бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

- суғурта хизматларини ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

- аҳолини ҳимоя қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқиш лозим.

Ихтисослик фанлар блоки:

- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

- суғурта ташкилотлари капиталига киритилган ва улар томонидан қилинган инвестициялар самарасини баҳолаш ҳамда тартибга солиш;

- суғурта бозори конъюктурасига мос равишда суғурта ташкилотларининг ишлаш механизмини аниқлаши, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш

самарадорлигини ҳисоблаши, иш вақти фондини тузиш ва ундан фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиши;

- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Кўшимча фанлар блоки

- таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини кондириши;

- суғурта бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва суғурта бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5231200-Суғурта иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70%;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;
битирув малакавий иши -	2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	15 - 20 %;
математик ва табиий-илмий фанлар	10 - 15 %;
умумкасбий фанлар	50 - 55 %;
ихтисослик фанлар	10 - 15 %;
кўшимча фанлар	5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий таълим дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта агенти, суғурта брокери, риск, соф ва суъний рисклар, техноген рисклар, суғурта объекти, суғурта субъекти, суғурта андеррайтери, суғурта сюрвейри, суғурта аудитори, суғурта уюшмаси, суғурта ассистанси, суғурта мукофоти, суғурта суммаси, суғурта қопламаси, суғурта шартномаси, суғурта полиси, суғурта портфели, суғурта захираси, суғурта тарифи, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта, давлат мажбурий суғуртаси, шахсий суғурта, мол-мулк суғуртаси, гаровга қўйилган мол-мулк суғуртаси, жавобгарлик суғуртаси, тиббий суғурта, квотали қайта суғурталаш, цедент, ретроцедент, ретроцессия, цессия, факультатив қайта суғурталаш, облигаторли қайта суғурталаш, кредит риски.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимини
интеграциялаштириш маркази

Директор  проф. Б.Х.Рахимов

2016 йил « 09 » феврал
М.Ў.



Ташкент моллиа институти
проф. Б.А.Бегалов

2016 йил « 10 » феврал
М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети



Ректор проф. М.Р.Болтабоев



2016 йил « 17 » феврал


“KAFOLAT sug`urta kompaniyasi” AJ


Бошқарув раиси С.С.Насретдинов



2016 йил « 24 » феврал
М.Ў.

АЖ “KAPITAL SUG'URTA” суғурта
компанияси


Бош директор Л.Ш.Халимтаев



2016 йил « 24 » феврал
М.Ў.

АЖ “ALSKOM” суғурта компанияси


Бош директор К.Иминов

2016 йил « 24 » феврал
М.Ў.

“KAPITAL SUG’URTA” AJ нинг 5231200 - “Суғурта иши” таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Суғурта компаниялари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши*		Суғурта компанияларининг бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5231200	Суғурта иши	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - суғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш; - суғурта операцияларини синт-езлаш ва оптималлаштириш, суғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш; - суғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш; - суғурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисоботлар тузиш; - суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; - суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш; - суғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш; - суғурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш; - суғурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш; - суғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, суғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш; - суғурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, суғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш; - суғурта шартномаларида тариф ставкаларини шакллантириш ва амалиётда қўллаш; - суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини аниқлаш; - суғурта фаолиятини солиққа тортиш; - қайта суғурталаш шартномасини тузиш;

			<ul style="list-style-type: none">- қайта суғуртада рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш.- қурилиш-монтаж рискларини суғурталаш бўйича суғурта шартномасини тузиш;- Ўзбекистон суғурта бозори ҳолатини таҳлил қилиш;
--	--	--	--

“КАПИТАЛ СУҒУРТА” АЖ бош директори

 Халимтаев Л.Ш.

Кадрлар бўлими бошлиғи






Холматова З.

АЖ “ALSKOM” суғурта компаниясининг 5231200 - “Суғурта иши” таълим йўналиши/учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Суғурта компаниялари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши*		Суғурта компанияларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5231200	Суғурта иши	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - суғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш; - суғурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, суғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш; - суғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш; - суғурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисоботлар тузиш; - суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; - суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш; - суғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш; - суғурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш; - суғурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш; - суғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, суғурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш; - суғурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, суғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш; - суғурта шартномаларида тариф ставкаларини шакллантириш ва амалиётда қўллаш; - суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини аниқлаш; - суғурта фаолиятини солиққа тортиш; - қайта суғурталаш шартномасини тузиш;

			<ul style="list-style-type: none">- қайта суғуртада рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш.- қурилиш-монтаж рискларини суғурталаш бўйича суғурта шартномасини тузиш;- Ўзбекистон суғурта бозори ҳолатини таҳлил қилиш;
--	--	--	--

АЖ “ALSKOM” суғурта компанияси бош директори



Т.К.Иминов

Кадрлар бўлими бошлиғи



Е.В.Ким

Тошкент молия институтининг 5231200 – “Суғурта иши” таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“24” феврал 2016 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – АЖ “KAPITAL SUG'URTA” суғурта компанияси бош директори Л.Ш.Халимтаев ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори О.А.Ортиқов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик.

1. 5231200 – “Суғурта иши” таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сон буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари ва АЖ “KAPITAL SUG'URTA” суғурта компанияси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5231200 – “Суғурта иши” таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режалари кадрлар истеъмолчиси – АЖ “KAPITAL SUG'URTA” суғурта компанияси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талаблари ва ўқув режаларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёнларига татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

АЖ “KAPITAL SUG'URTA”
суғурта компанияси бош
директори

Л.Ш.Халимтаев

Тошкент молия институти
ўқув ишлари бўйича
проректори

О.А.Ортиқов



Тошкент молия институти томонида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

“17” февраль 2016 йил

Қатнашдилар:

проф.Б.А.Бегалов, проф.М.Р.Болтабаев, проф.Н.Хайдаров, доц.Б.Усманов, проф.А.Каримов, проф. Р.Дўстмуратов, проф.Б.Хасанов, проф.Р.Холбеков, проф.К.Ўразов, проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев, ифд.У.Шарифходжаев, доц.Д.Саидов, доц.Э.Авазов, доц.А.Бердиев, и.ф.н.доц.З.Ниёзов, и.ф.н.доц.Р.Тожиев, и.ф.н.доц.С.Султанова, и.ф.н.М.Маматқулов, доц.А.Махмудов, доц.М.Асқарова, доц.Н.Мажидов, доц.Ш.Файзиев, доц.Л.Зойиров, доц.О.Останакулов, доц.А.Аюбжонов, доц. Ф.Мухаммедов, доц.М.Шоюсупова, доц.Ф.Бабашев, доц.Ғ.Захидов, доц.Қ.Хақбердиев, доц.Х.Шеннаев, доц.К.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц.У.Якубов, доц.Г.Мелибоева, доц.И.Очилов ва бошқалар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги “Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқиладиган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ:

Проф.Б.А.Бегалов – Тошкент молия институти ректори

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислохотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт унверситети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Қорақалпоқ давлат унверситети, Солиқ академияси, Тошкент темир йўл муҳандислик институти, Тошкент давлат аграр унверситети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Уларга турдош олий таълим муассасаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар исътемоличилари сифатида тақризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Проф. М.Р.Болтабаев – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради, шунингдек малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инobatга олинган.

Проф.А.Каримов, проф.Н.Хайдаров, доц.К.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц.Д.Саидов, доц.Ш.Файзиев, проф.Ш.Шоҳаъзамий - Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислохотлар инobatга олинганлигини таъкидладилар. Ушбу малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Япониянинг Кеио Университети профессори Н.Усуда, Англиянинг Бас Университети профессори Иан Крофорд, Лондон Ллойд синдикати профессори Ж.Гришин ва Япониянинг Васеда Университети профессори Т.Китамура ва бошқа чел эл мутахассисларининг таклифи ва ижобий хулосаси олинди.

Шунингдек, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари тасдиқлаш учун тавсия этидилар.

Доц. Б.Усманов – Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган.

Юқоридагиларни инobatга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Т/ Р	Йўналиш ва мутахассислик номи		Бакалаврият таълим йўналиши	Магистратура мутахассисликлари
			5-босқич	5А-босқич
1.	Мутахассислик:	Иқтисодиёт (<i>ижтимоий соҳа бўйича</i>)		5А230102
2.	Таълим йўналиши:	Менежмент (<i>хизматлар соҳаси</i>)	5230200	
3.	Мутахассислик:	Менежмент (<i>хизматлар соҳаси</i>)		5А230201
4.	Таълим йўналиши:	Молия	5230600	
5.	Мутахассислик:	Давлат молиясини бошқариш		5А230601
6.		Халқаро молия		5А230604
7.	Таълим йўналиши:	Банк иши	5230700	
8.	Мутахассислик:	Банк иши (<i>фаолият турлари бўйича</i>)		5А230701
9.	Таълим йўналиши:	Солиқлар ва солиққа тортиш	5230800	
10.	Таълим йўналиши:	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (<i>тармоқлар бўйича</i>)	5230900	
11.	Таълим йўналиши:	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (<i>темир йўл транспорти</i>)	5230900	
12.	Мутахассислик:	Бухгалтерия ҳисоби (<i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i>)		5А230901
13.		Бухгалтерия ҳисоби (<i>темир йўл транспорти</i>)		5А230901
14.		Аудит (<i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i>)		5А230902
15.	Таълим йўналиши:	Суғурта иши	5231200	
16.	Мутахассислик:	Суғурта иши		5А231201
Жами: 14та (Бак.: 6 та, Маг.: 8 та)				

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Турдош олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда кадрлар истеъмолчиларини жалб этган ҳолда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори меъёрлари, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сон буйруғи ва Вазирлик томонидан тасдиқланган бошқа тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва тақлифлар таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари охириги лойиҳаларини ишлаб чиқишда инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаштишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этилсин.

Тошкент молия институти



ректор в.б.

О.А.Ортиқов

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети ректори



ректор в.б.

М.Р.Болтабаев

Тошкент молия институтининг 5231200 – “Суғурта иши” таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“24” феврал 2016 й.

Биз, куйида имзо чекувчилар – “KAFOLAT sug`urta kompaniyasi” AJ бошқарув раиси С.С.Насретдинов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори О.А.Ортиқов, мазкур келишув далолатномасини куйидагилар ҳақида туздик.

1. 5231200 – “Суғурта иши” таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сон буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

